O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2006 йил 4 январь, № 2 (3801) Чоршанба

Агротехника тадбирларининг ўз вақтида, сифатли бажарилишида техника воситалари ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Буни чуқур англаган ер эгалари ҳозирданоқ машина-механизмларни кўздан кечириб, уларни баҳорги экиш мавсумига пухта тайёрлашмоқда. "Оққўрғон тумани машина-трактор парки" давлат акциядорлик жамиятида олиб борилаётган ишлар бунга далил бўла олади.

Мавсум тадориги

— Ўтган 2005 йил биз учун самарали якунланди, — дейди жамият раҳбари Шавкат Атомов. — Жамоамиз ширкат ва фермер хўжаликларига 636 миллион сўмликдан ортиқ хизмат кўрсатиб, дурустгина даромад олдик. Шу боис жорий йилда ҳам деҳқонларимизга сифатли хизмат кўрсатиш мақсадида таъмирлаш ишларига алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Ҳозиргача 572 миллион сўмдан ортиқроқ маблағ ҳисобига эҳтиёт қисмлар хирид қилдик. Айни чоғда янги мавсум олдидан ширкат ва фермер хўжаликлари билан шартномалар тузаяпмиз.

СУРАТЛАРДА: жамият раиси Шавкат Атомов, ишчилар Александр Кузменко ва Мансур Холиқулов, Султон Сегизбоев номли ширкат хўжалиги раҳбари Аҳмад Асрақулов навбатдаги вазифалар хусусида суҳбатлашмоқдалар; таъмирловчи Камолиддин Маҳмудов.

С. ЗУФАРОВ (ЎзА) олган суратлар.



САМИМИЙ ТАБРИКЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига янги, 2006 йил кириб келиши муносабати билан қатор хорижий давлатлар ва ҳукуматлар раҳбарларидан жаҳонда тинчлик ва осойиштаалик, Ўзбекистон халқига бахт-саодат ва омонлик тилаб, эзгу истаклар изҳор этилган самимий қутловлар ҳамон келиб турибди.

Қуйидагилар самимий тилаклар битилган табрикномаларини йўллашган:

Исландия Президенти Олавур Рагнар Гримссон ва унинг рафиқаси Дорит Моусалинг;
Норвегия Қироли Харальд V;
Польша Республикаси Президенти Александер Квасьневски;
Бразилия Федератив Республикаси Президенти Луис Инасио Лула да Сильва ва унинг рафиқаси Мариса Летисиа Лула да Сильва;
Украина Президенти Виктор Ющенко;
Литва Республикаси Президенти Валдас Адамкус ва унинг рафиқаси Алма Адамкус;
Озарбойжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев;
Москва ва Бутун Русь Патриархи Алексий II;
Бошқирдистон Республикаси Президенти Муртазо Раҳимов;
Россия Федерацияси Ҳукумати Раиси Михаил Фрадков;
Туркия Республикаси Бош вазири Режеп Таййип Эрдоған.

Янги йилни самарқандлик юздан зиёд ёшлар янги иш жойларида бошладилар. Бунга шаҳарда ўтказилган бўш иш ўринлари ярмаркаси имконият яратиб берди.

Иш керакли, ишчили?

Шу куни шаҳардаги 38 та корхона ва ташкилот ўзларидаги мавжуд 600 та квота ва бўш иш ўринлари билан иштирок этди. Иш сўраб келганлар ўз касби ва мутахассислиги бўйича ишга жойлаштирилди.

Шаҳар меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бўлими, шаҳар ҳокимлиги ва прокуратураси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар бўлими томонидан ташкил этилган ушбу ярмаркалар аҳолини иш билан таъминлаш, бўш иш ўринларини керакли мутахассислар билан банд этишда муҳим ўрин тутяпти.

А. САТТОРОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Янги йил табригини ўқиб

УЙҒОҚ ОДАМЛАРНИНГ КЕЛАЖАГИ УЛУҒДИР

Мамлакатимиз Президентининг Ўзбекистон халқига Янги йил табригини телевидение орқали эшитар эканман, ўтган йили ўзим шоҳиди бўлган, эшитган ва кўрган воқеаларим кўз ўнгимдан бирма-бир ўта бошлади. Айниқса, «...Якунига етиб бораётган йил биз учун осон бўлмади», деган жумла менга беихтиёр Андижон воқеалари ва бу воқеалар атрофидаги турли бўҳтон ва туҳматларни, ҳамла-ю, орқаворотдан хуфёна қилинган зарбаларни ёдимга солди.

Мамлакатимиз Президентининг республика Бош прокуратурасида ўтган брифингдаги холисона чиқиши туфайли халқимиз Андижон воқеаларининг асл моҳиятига етди. Қолаверса, ёвуз ниятли террорчиларнинг қилмишларига суд қонуний баҳо берди. Гарчанд ўша дамларда ҳам хорижлик айрим журналистлар воқеаларни бўяб-бежаб талқин этсалар-да, ҳеч ким уларга эргашмади, ёлғон-яшиқларига қулоқ ҳам осмади. Билъакс, халқимиз ўз Президентига нафақат ишонди, балки у билан ёнма-ён туриб ёвуз ниятли душманларга қарши курашди. Ҳа, ўз Ватанини севган, ўз миллатини улуғлаган халқ енгилмасдир. Янги йил табригида янграганидек, «Ўзбекистонни олиб бораётган мустақил сиёсатидан қайтариш, бизни кимгадир қарам қилиш ҳаракатлари беҳуда, пуч эканини намоён қилдик».

Аммо бир нарсани яширмасдан, очиқ-ошкора тан олишимиз керак. Мамлакатимиздаги улкан ўзгаришлар, беқиёс юксалишлардан кўзи қамашиб, ҳақиқатни тан олмаслик касалига дучор бўлган айрим кучлар ва ғаламис кимсалар олдида ҳушёрлигимизни йўқотганлигимиз ҳам бор гап. Шундоқ ёнимиздаги воқеаларга эътиборсизлик қилдик, арзимас нарсалар деб қўл силтаб қўяқолдик. Андижон фожиаларидан кейин мен ўша юрт одамлари билан суҳбатлашиб, Олий суддаги жиноий иш тафсилотлари билан танишиб, шу ҳақиқатга аниқ амин бўлдим. Ғафлат уйқуси — ўлим билан баробар, деганлари рост экан.

Уйқудаги одамдан бўлак барча инсон ўзи яшаб турган баҳри муҳитдаги кечинмаларни кўради, воқеаларни эшитади ва шу асосда мушоҳада қилади, фикр юритади. Уйқудаги одамгина бундай ҳолатдан мосуводир. Аммо инсонда яна бир ҳолат борки, уни ҳам ушбу мосуволик билан менгзаш, таққослаш жоиз бўлур. Бу — кўрган ва эшитган воқеаларингга бефарқлик ва беэътиборликдир. Аниқроғи, бугун, айни чоғда сенинг ҳаётингга дахлдор бўлмаган мудҳиш воқеа ва хунрезликларга кўнгил қўл силтовидир. Бу — хунрезликлар ҳар бир лаҳзада сенинг турмушингга ҳам тажовуз қилиши, ҳаётингни барбод этишини англамаслик ва кўролмасликдир. Очиқроқ айтганда, бу тафаккур танбаллиги, кўнгил сўқирлигидир. Дунёдаги барча номақбул ва ножоиз иллатлар ана шундай ғафлатдан пайдо бўлади, илдиз отади, гуллайди ва пировардида ўзининг аччиқ мевасини беради. Бу, эҳтимол, бизга аён бўлмагандир, аммо мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ буни тўла англаб етганди ва шундай таъкидлаганди: «Шунинг учун ҳам. **«Огоҳ бўлинг, одамлар!» — деган даъват ҳамиша бонг ургандек янграб туриши керак. Фахрланиш мумкин ва лозим бўлган бебаҳо қадриятлар — ўз мустақиллигимизни, тинчлигимизни, жамиятда миллатлар ва фуқаролар ўртасидаги тотувликни асранг. Ўз эркимизни қандай тасарруф этиш, уни бугунги мураккаб ва баъзан шафқатсиз дунёдаги ҳаддан зиёд хавф-хатарлардан сақлаш ҳар биримизга боғлиқдир».**

Дарҳақиқат, истиқлол — бебаҳо неъмат, тинчлик эса бизнинг азалий қадриятларимиз силсиласининг бир бўғинидир. Ана шу тинчлик

(Давоми 2-бетда).

14 январь — Ватан ҳимоячилари куни

ОЙЛИК ДАВОМ ЭТМОҚДА

Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилотининг Навоий вилоят кенгаши оммавий ватанпарварлик ойлиги муносабати билан уюштираётган тадбирларда вилоят мудофаа ишлари, халқ таълими ва соғлиқни сақлаш бошқармалари, "Маънавият ва маърифат" маркази, "Нуроний", "Маҳалла" жамғармаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси вакиллари фаол иштирок этмоқда.

Шундай тадбирларнинг бири Навоий шаҳридаги автомобиль мактабида бўлиб ўтди. Унда ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ҳарбий хизматга тайёрлаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар хусусида сўз борди. Сўнгра шаҳардаги ҳарбий қисм аскарлари, автомобиль мактаби курсантлари сафда юриш маҳоратини, ракета ва авиамоделчилар эса ўз моделларини намойиш этди. Тадбир доирасида чақириқ ёшидаги йигитлар ва курсантлар ҳарбий қисмда бўлиб, аскарлар ҳаёти билан яқиндан танишди.

— Бундай тадбирлар вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида ўтказилмоқда, — дейди "Ватанпарвар" ташкилоти вилоят кенгаши раисининг ўринбосари Рамазон Наврўзов. — Учрашув ва суҳбатларда ҳукуматимизнинг эл-юрт тинчлиги ва осойишталигини таъминлашга қаратилган сиёсати, халқимизнинг бунёдкорлик меҳнати самаралари, бу жараёнда ҳар бир фуқаро, айниқса, ёшларнинг ўрни хусусида фикр юритилмоқда.

Ватанпарварлик ойлиги муносабати билан спортнинг техник ва амалий турлари бўйича мусобақалар ташкил этилмоқда.

Ёрқул УМАР,
ЎзА мухбири.

Қирқиш чизиғи — Қирқиш чизиғи — Қирқиш чизиғи

канализация тармоқларига ўзбошимчалик билан улаб олиш, таркибидаги ифлослантирувчи моддалар йўл қўйиладиган даражадан ортиқ бўлган оқова сувларни канализацияга оқизиш ҳамда канализациядан фойдаланиш қоидаларини бошқача тарзда бузиш, ер ишлари ва бошқа ишларни бажараётганда канализация тармоқларини муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш, башарти бу ҳол уларнинг шикастланишига сабаб бўлса, —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг икки бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади";

4) **245-модданинг биринчи қисмидаги** "163" рақами "163, 163[1]" рақамлари билан алмаштирилсин.

6-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрда қабул қилинган **"Бюджет тизими тўғрисида"**ги 158–II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 1–2, 6-модда) **24-моддаси иккинчи қисмининг 5-банди** "уй-жой мулкдорлари ширкатларига таъмирлаш-тиклаш ишлари учун бюджет ссудаларини бериш ҳоллари бундан мустасно" деган сўзлар билан тўлдирилсин.

7-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2005 йил 31 декабрь

Буклаш чизиғи — Буклаш чизиғи

Ўзбекистон Республикасининг

ҚОНУНИ

Уй-жой-коммунал хўжалиги соҳасида ислоҳотларнинг амалга оширилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари 2006 йил

лаш харажатларини тўлашга доир талабларни қўпол равишда бузган ҳолларда туманларнинг, шаҳарларнинг (шаҳар таркибига кирувчи туманларнинг) ҳокимлари коммунал хизмат, уй-жойлардан фойдаланиш ва сақлаш харажатлари тўлови бўйича қарзларни ундириш тўғрисида коммунал хизмат кўрсатувчилар ёки уй-жой мулкдорлари ширкатларининг тақдимномасига мувофиқ даъволар билан судга мурожаат қилади";

иккинчи қисми учинчи қисм деб ҳисоблансин.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда) қуйидаги қўшимчалар киритилсин:

1) **66[1]-моддасининг биринчи қисмидаги** "173-моддасининг биринчи қисмида (мулкни қасддан нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш)" деган сўзлардан кейин "185[2]-моддасида (электр, иссиқлик энергияси, газ, водопроводдан фойдаланиш қоидаларини бузиш)" деган сўзлар билан тўлдирилсин;

2) **XII боби** қуйидаги мазмундаги **185[2]-модда** билан тўлдирилсин:

"185[2]-модда. Электр, иссиқлик энергияси, газ, водопроводдан фойдаланиш қоидаларини бузиш

Газ ёки водопровод тармоқларига ўзбошимчалик билан уланиш ёхуд электр, иссиқлик энергияси, табиий газ, совуқ ёхуд иссиқ сувни ҳисобга олиш асбобларига қасддан шикаст етказиш ёки бундай ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларга ташқаридан аралашиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин анча миқдорда зарар етказган ҳолда содир этилган бўлса, —

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ўша қилмишлар кўп миқдорда зарар етказган ҳолда содир этилган бўлса, —

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан етмиш беш бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ўша қилмишлар жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда содир этилган бўлса, —

энг кам ойлик иш ҳақининг етмиш беш бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч ойгача қамоқ билан жазоланади".

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1,

Долзарб мавзу

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга асосий устувор вазифа сифатида эътибор қаратилаётгани бежизга эмас. Чунки республикамиз иқтисодиётини юксалтиришда мазкур соҳа тараққиёти жуда муҳим ўрин эгаллайди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ҳар гал ушбу масалага алоҳида тўхталиб ўтар экан, бу борада олдимизда турган вазифаларни изчил амалга ошириш юзасидан ўзининг тегишли йўл-йўриқ ва кўрсатмаларини берадилар. Хусусан 2005 йил 28 январь куни бўлиб ўтган Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида ҳам хусусий тармоқнинг жадал ривожланишини, унинг мамлакат иқтисодиётидаги улуши кўпайишини таъминлаш иқтисодий соҳадаги устувор вазифалардан бири эканлигини уқтириб, бу вазифаларни амалга ошириш йўлларини ҳам кўрсатиб берди.

МОЛИЯВИЙ РЕСУРСЛАР БОЗОРИ

бу борадаги имкониятлардан самарали фойдаланилаяптими?

Албатта, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда, истеъмол бозорини сифатли товарлар ҳамда хизматлар билан тўлдиришда, энг муҳими, аҳолининг иш билан бандлигини оширишда катта аҳамиятга эга. Қолаверса, мамлакатимиздаги мавжуд демографик вазият, меҳнатга лаёқатли аҳоли сонининг сезиларли даражада ортиб бориши ҳам ушбу соҳани кенг ривожлантириш талаб этади. Бугунги кунда ривожланган хорижий мамлакатларда ҳам кичик фирмаларнинг сони уларда мавжуд бўлган жами корхоналарнинг 70-90 фоизини ташкил этмоқда. Аҳолининг асосий қисми ҳам кичик корхона ва фирмаларда фаолият кўрсатмоқда. Масалан, Германия тажрибасини олайлик. Бу мамлакатнинг қисқа вақт мобайнида Европа иқтисодиётининг устунларидан бирига айланишида ҳам кичик бизнесни ривожлантириш ҳал қилувчи роль ўйнаган. Бу борада олиб борилган оқилона сиёсат туфайли кейинги йилларда мазкур соҳанинг Германия иқтисодиётидаги улуши 65 фоизгача кўтарилди. Япония аҳолисининг эса 71,7 фоизи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмоқда.

Тажрибалар шуни кўрсатмоқдаки, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, шубҳасиз, бу соҳага молиявий кўмак бериш ва ана шу ёрдамни замонавий ривожланган банк тизими, ишлаб чиқариш корхоналарига фоиз ставкалари унча катта бўлмаган кредитлар ажратиш орқали амалга ошириш мумкин. Юртбошимизнинг *"Банклар бозор муносабатларига йўл очиш билан чекланиб қолмасдан, кичик бизнес вакилларига, ўзининг амалий бизнесини очмоқчи бўлган тадбиркорларга аниқ ёрдам кўрсатишлари, мулкдорлар синфининг оёққа туришига кўмаклашишлари лозим"*, деган фикрлари шу маънода банкларнинг хусусий тармоқни ривожлантиришда молиявий қўллаб-қувватлашлари муҳимлигини кўрсатмоқда. Таъкидлаш жоизки, олиб борилган ислоҳотлар жараёнида бизда замонавий банк-молия тизими тўлиқ шакллантирилди. Буни ҳозирги кунда республикада барқарор фаолият кўрсатаётган 12 та акциядорлик тижорат, 9 та хусусий, 5 та хорижий сармоя иштирокидаги, 3 та давлат банклари ҳамда уларнинг жойлардаги 800 дан ортиқ филиаллари билан бир қаторда 1350 та мини банклари, 711 та махсус кассалари ва Халқ банкининг 2,5 мингдан ортиқ шохобчалари фаолияти мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Ўтган давр мобайнида тижорат банклари томонидан кичик бизнесни ривожлантиришга кўмаклашиш, уларга кўрсатиладиган банк хизматларини ҳар томонлама кенгайтириш ва сифатини яхшилаш, шунингдек, ажратилаётган кредитлар ҳажмини оширишга қаратилган чора-тадбирлар соҳа ривожланишида ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Бундай натижаларга эришиш учун тижорат банкларида тадбиркорлик субъектлари учун кичик ҳажмли кредит ажратиш, кафолатсиз ва гаровсиз кредит ажратиш, кредитларни турли йўналишдаги корхоналарга ажратиш, янги тармоқ ва янги корхоналарни ташкил этиш учун кредитлар ажратиш, кредитларни имтиёзли, паст фоизларда ва узоқ муддатларга йўналтирилган ҳолда ажратишнинг ягона принциплари яратилди.

Ривожланиш босқичларини босиб ўтаётган тадбиркорлик субъектлари хориждан янги технологиялар олиб келиб, импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган инвестициявий лойиҳаларни маблағ билан таъминлашда Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки каби кўплаб хорижий йирик банк ва халқаро молия институтларининг ҳам кредит линиялари жалб этилган. Ўрта ва узоқ муддатга хорижий кредит линиялари ҳисобидан кредитлар экспортга мўлжалланган ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва бошқа маҳаллий хом ашё ресурсларини қайта ишлаш, машинасозлик, электрон саноати учун деталлар, узеллар ҳамда кундалик эҳтиёжга истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни назарда тутадиган инвестициявий лойиҳаларни молиялаш мақсадларида берилмоқда. Бу амалий ҳаракатларнинг самарасини эса, хусусий секторнинг мамлакатимизда ишлаб чиқарилган ялпи ички маҳсулот ҳажмидаги улуши мунтазам ошиб бораётганида кўришимиз мумкин. Хусусан, 2000 йилда тадбиркорлик субъектларининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 20 фоизни ташкил этган бўлса, бугунга келиб бу борадаги кўрсаткич 36 фоиздан ортиқни ташкил этмоқда.

Хорижий давлатларнинг илғор тажрибасига таяниб тадбиркорлик субъектлари фаолиятини кредитлашда тижорат банклари билан бир қаторда мамлакатда нобанк молия институтларини ташкил қилиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор берилди. Натижада банк хизматлари бозори ривожланишига замин яратишга ишонч ҳосил қилиниб, мамлакатимизда дастлаб кредит уюшмаларини ташкил қилиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширила бошланди.

Бу йўналишда биринчи қадам 2002 йил 4 апрелда Олий Мажлис томонидан "Кредит уюшмалари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилиниши билан қўйилди. Қонун асосида янги нобанк молия муассасалари – кредит уюшмалари фаолиятини шакллантириш учун қонуний негизга асос солинди ва мамлакатда кредит уюшмалари фаолиятининг ҳуқуқий асосини такомиллаштириш, улар фаолиятини ривожлантириш ҳамда лицензиялаш бўйича меъёрий-ҳуқуқий база тўлиқ яратилди.

Бугунги кунгача республикамизнинг барча вилоят ва туманларида 23 та кредит уюшмаси ташкил этилган бўлиб, улар барқарор фаолият кўрсатиб келмоқда. Хусусан, Тошкент шаҳрида "Барака", "Капитал-Юнион", "Финансплюс", "Осиё-Транс", "Университет", "Имкон", Самарқанд вилоятида "Шердор", "Хазина", Бухоро вилоятида "Умид", "Бухоро тадбиркори", "Авиценна", Жиззах вилоятида "Ишонч", "Иноъом", Андижон вилоятида "Мададкор", "Аср", Наманган вилоятида "Таянч", "Марвел", Фарғона вилоятида "Олтин водий", "Нурафшон", Навоий вилоятида "Ласточка", Сурхондарё вилоятида "Фаровон", Сирдарё вилоятида "Омад" ва Қашқадарё вилоятидаги "Кеш" кредит уюшмалари шулар жумласидандир.

Республикада нобанк молия тизимини ривожлантириш орқали кредит бозорини кенгайтиришдаги дастлабки қадам тижорат банклари ва кредит уюшмалари тизимини ташкил этишдан иборат бўлган бўлса, кейинги амалга оширилган ишлар ломбардлар фаолиятини ташкил қилишдан иборат бўлди. Ҳозирда ломбардлар фаолияти ўзининг ривожланиш палласида бўлиб, улар томонидан республикамизда қимматбаҳо буюмлар гарови асосида кредитлар ажратиш механизми йўлга қўйилмоқда. Бугунги кунда республикамизда 6 та ломбард ташкилотларига Марказий банк томонидан лицензия берилган.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ҳозирда мамлакатимизда микрокредитлаш асосан тижорат банклари, кредит уюшмалари ва ломбардлар томонидан амалга оширилмоқда. Аҳолининг "кичик ҳажмдаги" кредит маблағлари ва молиявий хизматларга талабининг юқорилиги сабаб, кредит берувчи ташкилотларнинг турларини кўпайтириш учун "Микрокредит ва микрокредит ташкилотлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритилди. Қонун лойиҳасида кўзда тутилган талабларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, унда мамлакат аҳолисининг кенг кўламда тадбиркорликни ривожлантиришдаги иштирокини рағбатлантириш учун микрокредитлар миллий валютада нақд пул маблағларида берилиши мумкин. Шу билан биргаликда, қарз олувчига пул маблағларини тадбиркорлик фаолиятига ишлатилиш мақсадлари микрокредит берувчи ташкилотлар томонидан олдиндан белгилаб қўйилмасдан, қарз олувчининг ўзи мустақил ҳал этиши белгиланиши назарда тутилган. Айнан мазкур Қонуннинг қабул қилиниши келгусида бу тизимни тўлиқ шакллантириш орқали мамлакат кредит бозорини янада кенгайтиришда тижорат банклари, кредит уюшмалари ва ломбардлар билан бир қаторда яна бир муқобил тизим – микрокредитлаш ташкилотларини ташкил этишни рағбатлантиришнинг ҳуқуқий асосини яратади. Бу билан эса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик вакилларининг молиявий муассасаларни ўзлари ташкил қилишлари ва бошқаришларига ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилади.

Бироқ, таъкидлаб ўтиш жоизки, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда фақат тижорат банклари кредитлари, кредит уюшмалари, ломбардлар ва микрокредитлаш ташкилотларини ташкил қилиш билан мавжуд муаммолар тўлиқ ҳал қилинди, деб бўлмайди. Чунки молиявий ресурслар бозори комплекс инфратузилма шакллантирилгандагина тўлиқ ўз самарасини бериши мумкинлиги бизга яхши маълум.

Хорижий давлатларда кичик бизнес корхоналари умуман ишлаб чиқариш фаолиятларини суғурталаш иқтисодий ривожланишнинг асосий омилига айланиб бўлган. Бу эса, ўз навбатида, ишлаб чиқариш субъектлари фаолиятининг барқарорлигини ошириб, уларнинг ҳамкорлари олдидаги ишончи ошишига хизмат қилмоқда. Тўғри, юртимизда суғурталаш фаолиятининг ҳуқуқий тартибга солувчи ҳужжат сифатида халқаро нормаларга тўлиқ жавоб бера оладиган Ўзбекистон Республикасининг "Суғурта фаолияти тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинган. Лекин мукаммал қонунчилик базаси яратилгани билан таваккалчиликни суғурталовчи суғурта бозори ривожланмаганлиги сабабли ҳам тадбиркорлик субъектлари ўз фаолиятини суғурталаш каби хизматлардан фойдаланишни ҳали кундалик иш фаолиятларига айлантира олмаяптилар. Бунинг оқибатида, биринчидан, корхоналарнинг бундан кейинги фаолияти шубҳа остида қолаётган бўлса, иккинчидан, тижорат банклари томонидан ажратилаётган кредитларнинг таваккалчилик даражаси ошмоқда.

Республикамизда молиявий ресурслар бозорини ривожлантиришнинг асосий бўғини бўлган қимматли қоғозлар бозори, фонд биржалари фаолиятини тартибга солиш ва мувофиқлаштиришни ўзида тўлиқ акс эттирган қонунчилик базаси ҳам тўлиқ яратилган. Хусусан, "Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида"ги, "Қимматли қоғозлар бозорининг фаолият кўрсатиш механизми тўғрисида"ги, "Қимматли қоғозлар бозорида депозитарийлар фаолияти тўғрисида"ги, "Қимматли қоғозлар бозорида инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги ва "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунларини келтириб ўтиш мумкин.

Айтиш жоизки, тараққий этган давлатларда қимматли қоғозлар бозорининг ривожланганлиги уларда фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг молиявий маблағларга бўлган эҳтиёжларининг тўлароқ қондирилишида қулай имкониятлар яратмоқда. Негадир республикамизда фаолият кўрсатаётган баъзи корхоналар молиявий ресурс тақчиллиги юзага келиши билан қўшимча акция ва облигация чиқариш ҳисобига молиявий ресурслар жалб қилиш ўрнига фақатгина банкларнинг кредит маблағларидан фойдаланишга ҳаракат қиладилар. Бироқ бундай корхоналарнинг молиявий ҳолатининг барқарор эмаслиги, кредит таъминотининг етишмаслиги, пул оқимларининг ёмонлиги молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжларини тўлароқ қондиришда муаммо бўлиб, қимматли қоғозлар бозорида улар акцияларига талабнинг йўқлиги ва ноликвидлиги сабабли сотилмасдан қолмоқда. Шу боис корхоналарда молиявий ресурсларнинг биринчи манбаи сифатида қўшимча қимматли қоғозлар чиқариб сотиш эмас, балки банк кредитларини молиявий манба сифатида жалб этишга ҳаракат қилиш кунлик амалиётга айланиб қолмоқда. Банкларнинг кредит ресурслари бундай корхоналар учун фаолиятларини кенгайтиришда учинчи ва тўртинчи даражали ресурс манбаси бўлиб хизмат қилиш ўрнига биринчи манба сифатида хизмат қилмоқда. Бунинг оқибатида айрим корхоналар ҳали ҳануз эскича боқимандалик кайфиятига барҳам беролмай келмоқда.

Абдурашид АЛТИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитасининг аъзоси.



Электр таъминотида узилиш бўлмайди

Қиш пайтида истеъмолчиларни электр энергияси билан ўз вақтида таъминлаш кўп жиҳатдан бу ишга қандай тайёргарлик кўрилганлигига боғлиқ. Буни яхши тушунган "Андижон электр тармоқлари" акциядорлик жамияти жамоаси қишни муваффақиятли ўтказиш учун барча чора-тадбирларни кўрди. Хусусан, бир қатор станцияларнинг қуввати оширилди, янги трансформатор пунктлари ва ҳаво тармоқлари қурилди, мавжудлари эса сифатли таъмирдан чиқарилди. Умуман акциядорлик жамияти қиш пайтида аҳолига узлуксиз равишда электр энергияси етказиб бериш учун ўз имкониятларидан тўла фойдаланмоқда.

СУРАТДА: уста Ёдгорбек Фозилов.

Шуҳрат ОЛИМОВ (ЎзА) олган сурат.

УЙҒОҚ ОДАМЛАРНИНГ КЕЛАЖАГИ УЛУҒДИР

(Давоми. Боши 1-бетда).

йўлидаги огоҳлик, ҳар қандай хавф-хатарга нисбатан ҳушёрлик эртанги осуда ҳаётимизнинг гаровидир.

— Зийраклик фақат узоқ хориждаги тўс-тўполонлардан хабардорлик эмас, балки қўяётган ҳар бир қадамингнинг тўғрилигини англаш, шундоқ ён қўшнингнинг аҳволидан огоҳлик, фарзандингнинг дарсликлари тўлиқлиги-ю, кундалигидаги баҳоларнинг ўсиб-тушиб туришидан беҳаловатлилик ҳамдир, — дейди Хоразм вилояти ички ишлар бошқармаси матбуот хизмати бошлиғи, майор Мирзабек Абдуллаев. — Айниқса, бизнинг касбимизда нафақат кўз огоҳлиги, балки вужуд, ҳатто руҳ уйғоқлиги ҳам зарурдир. Чунки вилоятимизнинг анчагина қисми Туркманистон билан чегарадош. Бу эса икки карра огоҳликни талаб этади. Шу туфайли ҳар душанбада ўтадиган «Маърифат соатлари» бевосита ушбу мавзу билан боғланиб кетади.

Хоразмга қилган сафаримда ўз қирғоқларидан тошиб, пишқириб оқаётган Амударё ёқасидаги 33-Чалиш постида ҳам бўлдик. Урганч тумани ва Қорақалпоғистон Республикаси чегарасида жойлашган бу постнинг бир томони, маҳаллий халқ тили билан айтганда, «пантон» қўприк. Капитан Баҳром Худойбергенов ва сержант-кинолог Жасур Қаландаровлар ўтиб-қайтаётган йўловчиларни диққат билан кузатишмоқда. Жасурнинг қўлидаги ит ҳам ўтиб-қайтаётганларнинг ҳушёрлигини оширади. Мирзабекнинг таъкидлашича, қадами эгрилар, нотоза ниятлилар шу ернинг ўзида ушланиб ички ишлар бўлимларига юборилади.

Биз вилоят ички ишлар бошқармасига борган куни «Маърифат дарси» бошланаётган экан. Унга Урганч Давлат университети профессори Абдулла Сотлиқовни таклиф этишибди. Домла жаҳон халқлари тарихи ҳақида гапира туриб дедиларки, дунёда халқлар кўп, очи ҳам, тўқи ҳам бор. Аммо Ўзбекистон Оллоҳ назар солган юрт, ўзбекистонликлар эса авлод-аждоди маърифатли, меҳнаткаш халқ. Ер-сув имкониятлари бисёр, тарихий ёдгорликлари мўл, ер ости ва ер усти бойликлари беҳисоб, ўзининг алломалари билан дунёни забт этган бундай мамлакат жуда кам. Ахир, дунёдаги учта академиядан бири шу юртда бўлган. Ахир Беруний 20 ёшида глобусни яратган, Хоразмий ернинг жуғрофий тузилмасини кашф этган. Савдо-сотиқ, маданий алоқалар, илмий учрашувларнинг маркази бўлган бу юрт. Дунёнинг тўрт тарафидан халқлар оқиб келган бу заминга. Айни пайтда ҳам Ўзбекистонда 100 дан ортиқ миллат ва элат яшайди. Бизнинг душманларимиз эса аждодлари шундай маърифатли юртнинг бошига Украина, Грузия, Қирғизистоннинг кўргуликларини солмоқчи. Улар чучварани хом санабдилар. Ўзлигини билган халқ, истиқлолини ўзи яратган элимиз ҳеч кимга қарам бўлмайди. Уйғоқ одамларнинггина келажаги улуғдир!

Юксак мақсадлар инсонни улуғ ишлар сари илҳомлантиради. Бугун юртимизда демократик давлат, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш йўлида амалга оширилаётган катта-катта ўзгаришлар ана шу эзгу ният ва тилакларимизнинг ҳосиласидир. Янги йил табригида айтилганидек, бу эзгу интилишларимизнинг асосий шарт ва гарови **«авваламбор ўз юртимиз ва хонадонларимизда тинчлик ва барқарорликни асраш, хавфсизликни таъминлаш билан боғлиқ эканини, доимо ҳушёр ва огоҳ бўлишимиз зарурлигини ён-атрофимиздаги, дунёдаги мураккаб вазият яққол кўрсатиб турибди».**

Ҳа, тинчликдан улуғ неъмат, зийракликдан улуғ саодат, саховатлиликдан-да буюк давлат йўқ!

Эсиргап БОЛИЕВ.

Янги йил байрами арафасида Марғилон шаҳрида 825 ўқувчига мўлжалланган янги академик лицей фойдаланишга топширилди.

БАЙРАМ ТУҲФАСИ

Мамлакатимизда ёшларнинг замон талаблари даражасида таълим-тарбия олишлари, касб эгаллашлари учун зарур барча шароит яратилмоқда. Буни қуриб, фойдаланишга топширилаётган қўплаб янги касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ҳамда мактаблар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Янги академик лицейнинг очилишида сўзга чиққанлар ёшларимиз учун яратилаётган бундай кенг имкониятлар фарзандларимизнинг баркамол инсонлар бўлиб вояга етишларида, эл-юрт равнақида муҳим омил бўлаётганини алоҳида таъкидладилар. Кўрсатилаётган ғамхўрлик ва эътибор учун мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовга миннатдорлик билдирдилар.

— Шаҳримизга кўрк бағишлаган мазкур академик лицей Марғилоннинг 2000 йиллик тўйи олдидан ажойиб туҳфа бўлди, — деди академик лицей директори Махмуджон Шоҳўжаев. — Лицейимизда ўқувчилар яхши таълим ва тарбия олишлари учун барча шароит яратилган. Улар бу ерда 4 йўналиш бўйича билим оладилар.

Лицейнинг очилишида Фарғона вилояти ҳокими Ш.Нурматов иштирок этди.

М.СУЛАЙМОНОВ,
ЎзА мухбири.

Қирқиш чизиғи — Буклаш чизиғи

20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 11 ва 23-моддалар, № 9–10, 165 ва 182-моддалар; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 9, 171-модда) **345-моддасининг олтинчи қисми** "185[1]" рақамидан кейин "185[2]" рақами билан тўлдирилсин.

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, №3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5–6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4–5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **101-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"101-модда. Электр, иссиқлик энергияси ёки газдан фойдаланиш қоидаларини бузиш

Электр, иссиқлик энергияси ёки газдан фойдаланиш қоидаларини бузиш, электр, иссиқлик энергия-

Буклаш чизиғи — Қирқиш чизиғи

№ 5, 89-модда, № 9–10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда) **4-моддасига** қуйидаги қўшимчалар киритилсин:

1) **1-банди** қуйидаги мазмундаги **"я[3]" кичик банд** билан тўлдирилсин:

"я[3]) туманлар ва шаҳарлар (шаҳар таркибига кирувчи туманлар) ҳокимликлари – коммунал хизмат, уй-жойлардан фойдаланиш ва сақлаш харажатлари тўлови бўйича қарзларни ундириш тўғрисидаги, коммунал хизмат кўрсатувчилар ёки уй-жой мулкдорлари ширкатларининг тақдимномасига мувофиқ киритилган даъволар юзасидан";

2) **2-банди** қуйидаги мазмундаги **"ц" кичик банд** билан тўлдирилсин:

"ц) туманлар ва шаҳарлар (шаҳар таркибига кирувчи туманлар) ҳокимликлари – коммунал хизмат, уй-жойлардан фойдаланиш ва сақлаш харажатлари тўлови бўйича қарзларни ундириш тўғрисидаги, коммунал хизмат кўрсатувчилар ёки уй-жой мулкдорлари ширкатларининг тақдимномасига мувофиқ киритилган даъволар юзасидан".

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган **"Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"**ги 913–XII-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 9, 320-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 9, 241-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда) **25-моддаси:**

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

"Уй-жой мулкдорлари ва ундан фойдаланувчилар коммунал хизмат, уй-жойлардан фойдаланиш ва сақ-

Ўзбекистон Республикасининг

ҚОНУНИ

Уй-жой-коммунал хўжалиги соҳасида ислоҳотларнинг амалга оширилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2005 йил 22 ноябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2005 йил 2 декабрда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган "**Давлат божи тўғрисида**"ги 740–XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 1, 22-модда; 1994 йил, № 5, 161-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4–5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда,

Буклаш чизиғи — Қирқиш чизиғи

си ёхуд газ тармоқларига ўзбошимчалик билан уланиш ёки электр, иссиқлик энергияси, табиий газни ҳисобга олиш асбобларига қасддан шикаст етказиш, худди шунингдек бундай ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларга ташқаридан аралашиш —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг икки бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади";

2) **163-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"163-модда. Водопроводдан фойдаланиш қоидаларини бузиш

Водопровод тармоқларига ўзбошимчалик билан уланиш ҳамда водопроводдан фойдаланиш қоидаларини бошқача тарзда бузиш, ер ишлари ва бошқа ишларни бажараётганда водопровод тармоқларини муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш, башарти бу ҳол уларнинг шикастланишига сабаб бўлса ёхуд совуқ ёки иссиқ сувни ҳисобга олиш асбобларига қасддан шикаст етказиш, худди шунингдек бундай ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларга ташқаридан аралашиш —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг икки бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади".

3) **Кодекс** қуйидаги мазмундаги **163[1]-модда** билан тўлдирилсин:

"163[1]-модда. Канализация тармоқларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш

Уй-жойларни, жамоат, ишлаб чиқариш объектлари ва бошқа объектларни, шунингдек ер участкаларини

Ер эгаси эртага ким бўлади?

Хўжайли туманидаги "Мурод Ҳайитбоев" фермер хўжалигининг 25 гектар ери бўлиб, асосан пахта, ғалла етиштиради. Ўтган йилни 11 миллион 200 минг сўмлик соф фойда билан якунлаган фермер чорвачиликни ҳам ривожлантиришга аҳд қилди.

ФЕРМЕРНИНГ ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАРИ

Анчадан буён қолоқликдан қутула олмаётган, паст рентабелли "Озодлик" ширкат хўжалиги тугатилаётгани, унинг ўрнида фермер хўжаликлари ташкил этилаётганини эшитган Мурод фермер ўтган йилнинг декабрь ойида бўлиб ўтган тендерда қатнашиб, яна 15 гектар ер олди. Бор кучи ва имкониятларини, маблағини янги тармоқни ривожлантиришга қаратди. Янги иш ўринлари очиб, жамоа аъзолари сонини ўн беш кишига етказди.

Айни пайтда фермер хўжалигида йигирма беш бош қорамол, эллик беш бош қўй-эчки парваришланмоқда. Жониворларни қишнинг қировли кунларидан эсон-омон олиб чиқиш учун бор имкониятлар ишга солинаётир.

— Янги йилни янги имкониятлар, янги режалар билан бошладик, — дейди Мурод фермер. — Бугун мамлакатимиз аграр тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар сабаб барча ерлар ўз эгасини топмоқда. Ерларга яхоб суви бериб, дала бошига 30 тонна маҳаллий ғўғит чиқариб қўйдик. Фермерликнинг афзалликлари ҳақида гапириш ортиқча деб ўйлайман. Ўтган давр Юртбошимиз танлаган фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш йўли тўғри эканини кўрсатди.

А.ОРТИҚБОЕВ,
ЎзА мухбири.

ҒАМХЎРЛИКНИНГ ЮКСАК ИФОДАСИ

Мамлакатимизда тиббиётни ривожлантириш, инсон саломатлигини асраш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилганлиги барчамизга маълум. Зеро, соғлиқни сақлаш тизимида ҳаётга татбиқ этилаётган ислоҳотлар кеча ёки бугун пайдо бўлгани йўқ — истиқлолга эришганимизнинг дастлабки кунларидаёқ мазкур соҳа ҳукумат миқёсида ислоҳ қилина бошланди. Бу эса, ўз навбатида республикамиз тиббиётида мақтанса арзигулик ўзгаришларга сабаб бўлмоқда. Хусусан, бу йўналишдаги ислоҳотлар ҳамширалик фаолиятини бугунги даврга мослаш талабини ҳам кун тартибига қўймоқда. Бу талаб айни вақтда юртимизда эл-юрт саломатлиги йўлида меҳнат қилаётган 256 мингдан ортиқ ҳамширага ҳам бевосита дахлдордир.

2006 йил — Ҳомийлар ва шифокорлар йили

Ўзбекистон Ҳамширалар ассоциацияси ва унинг вилоятлардаги филиаллари ташкил этилгани ҳам айни шу янгиланишлар маҳсули. Шунингдек, хорижий давлатлардаги тиббиёт муассасалари билан ҳамкорлик ришталарининг боғланиши, турли мавзулардаги халқаро анжуманлар, давра суҳбатларининг ўтказилаётганлиги ҳамширалариимизнинг фаолиятига ўзига хос мазмун бахш этмоқда. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, улар Англия, Исроил, Америка, Япония каби давлатларда ўтказилган халқаро анжуманларда ўз маърузалари билан чиқмоқдалар.

Бундай тадбир ҳамда ҳамкорликнинг замирида келажак авлод қайғуси мужассам. Табиийки, бу ғамхўрлик ортида йиллар мобайнидаги тинимсиз изланишлар, заҳматли меҳнат турибди. Шу маънода, мамлакатимизда ҳамширалар-нинг фаолиятини янада чуқурлаштириш мақсадида 2002 йилнинг октябрь ойидан бошлаб, даволаш-профилактика муассасаларида фаолият юритаётган ҳамширалар-нинг малакасини оширишга мўлжалланган ўқув цикли ташкил этилди. Тошкент тиббиёт академияси қошида иш юритаётган "Ҳамширалар парвариш бўлими"нинг бир неча йилдан буён фаолият кўрсаётганлиги, худди шундай бўлимларнинг айрим вилоятларда ҳам мавжудлиги юртдошларимиз томонидан мамнуният билан тилга олинмоқда. Шунингдек, "Ҳамширалик иши" бўлимининг очилиши ҳам кўнгилдаги иш бўлди. Ушбу бўлимни тугатган ҳамширалар орасида бугунги кунда даволаш-профилактика муассасаларида меҳнат қиланётган, тиббиёт коллежларида сабоқ бераётганлар талайгина.

Шифокорлик — касблар ичра энг машаққатлисидир. Масъулиятли меҳнатимиз юксак баҳоланаётгани эса бизга олам-олам қувонч бахш этади. Давлатимиз раҳбарининг "Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори фикримизга ёрқин мисолдир. Бозор иқтисодиёти шароитида кўрсатилган бундай ғамхўрлик соғлиқни сақлаш ходимлари меҳнатига юқори баҳо десак, адашмаймиз. Ушбу ҳужжатга мувофиқ, тиббиёт ходимларининг меҳнатига муносиб ҳақ тўлаш, шифокорларнинг шахсий ҳиссасига, ишларнинг оғир, мураккаб меҳнат шароитларида бажарилишига қараб ҳақ тўланади. Бу, ўз навбатида, ҳар бир тиббиёт ходимининг ўз ишига нисбатан меҳрини уйғотиб, масъулиятини оширади.

Соғлом турмуш тарзини шакллантириш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, аввало, тиббиёт ходимлари зиммасига катта масъулият юклайди. Соғлиқни сақлаш борасида амалга оширилаётган туб ислоҳотлар эса жонкуяр шифокорларимизга кучқувват бағишлайди. Меҳнати муносиб қадрланган касб соҳиби эса табиийки, ўз устида тинмай ишлайверади.

Бунга ишончимиз комил!

Рихси САЛИХЎЖАЕВА,
Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Ҳамширалик иши бўйича бош мутахассиси.

Биласизми?

Ўзбекистон — гўзал тоғлар мамлакати

Баланд ва сервиқор тоғлар йилнинг тўрт фаслида ҳам гўзаллигини йўқотмаган ҳолда ҳайратимизга ҳайрат қўшиб тураверади. Қишда оппоқ қорлари, баҳорда кўм-кўк майсалари, ёзда салқин ҳавоси, кузда эса вазмин ҳамда сўлим табиати билан мангулик қўшиғини куйлайди. Ёзнинг жазирамасида кўпинча шаҳарнинг ола-говуридан чарчаб, дам олиш кунлари тоғдан бошпана топамиз. Икки-уч кунлик ҳордиқ давомида кайфиятимиз кўтарилиб, руҳимиз тетиклашади.

— Юртимизнинг гўзал тоғлари нафақат дам олиш масканлари, балки ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эгалиги билан ҳам характерлидир, — дейди биз билан суҳбатда Тошкент давлат иқтисодиёт университети профессори, география фанлари доктори Туроб Жумаев. — Уларнинг умумий майдони 96 минг квадрат километрга тенг бўлиб, мамлакат ҳудудининг 21,3 фоизини эгаллайди ва денгиз сатҳидан 4500 метргача баландликка кўтарилади (Ғарбий Тянь-Шань ва Помир-Олой тизмалари). Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришининг 15 фоизи, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришининг 10 фоизга яқини, рекреация (дам олиш) ресурсларининг катта қисми тоғлар ҳиссасига тўғри келади.

Тоғлар текисликларни сув билан таъминлайдиган асосий сув минораси, гидроэнергетика манбаи ҳисобланади. Бундан ташқари, тоғлар фойдали қазилмалар макони ҳамдир. Улар дарёлар суви заҳиралари, миқдори ва сифатини, гидрологик тартибини белгилаб, табиий хоссаларини сақлаб қолиш вазифасини бажаради. Ўзбекистон тоғларида узунлиги 10 километрдан ортиқ бўлган 656 та дарё, минглаб кичик сойлар ва 550 та музлик мавжуд.

Тоғ зонасида табиий-географик шароит ва экотизимларнинг ғоят турли-туманлиги кузатилади. Улар мўрт, ўзгарувчан ва беқарор бўлиб, ташқи таъсирга чидамсиздир. Шунинг учун ҳам тоғларда ҳамиша табиий, стихияли ва емирувчи жараён-ҳодисалар хавфи мавжуд бўлади.

Тоталитар тузум шароитида тоғ ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг комплекс режаси ишлаб чиқилмаганлиги натижасида биохилма-хиллик камайиб, ўрмонлар кесиб юборилди, яйловлар тақчиллиги, тупроқ эрозияси, табиий муҳитнинг ифлосланиши ва катта миқдордаги чиқиндиларнинг пайдо бўлиши тезлашди. Бу эса, ўз навбатида, қатор муаммоларни туғдирди.

Бугунги кунда тоғ минтақалари ривожида ҳам ижобий силжишлар рўй бераётир. Янги иш жойларини ташкил этиш, савдо алоқаларини кучайтириш, фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш, рекреация (дам олиш) ва туризмга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Халқаро аҳамиятга эга тоғ автомобиль ва темир йўллари, туннеллар қурилди. Муҳофаза қилинадиган ҳудудлар кенгайтирилиб, янги миллий боғлар ва қўриқхоналар ташкил этилди. Шунингдек, хориж сармояларини жалб этиш ҳам кенг йўлга қўйилмоқда. Бундай мослашув жараёнлари тоғ зонасида барқарорлик ва хилма-хилликни сақлашга, аҳолининг эҳтиёжларини таъминлашга хизмат қилади.

Юртимиз тоғларида 6 та қўриқхона, 2 та миллий парк ва битта заказникни ўз ичига олган, муҳофаза қилинадиган ҳудудлар умумий майдонининг 76,5 фоизи Тошкент вилоятида жойлашган. Бу ерда Чотқол қўриқхонаси ва Угом-Чотқол миллий парки ишлаб турибди. Чимён-Чорвоқнинг тоғ ҳудудлари курорт ва рекреацияга белгиланган ҳамда алоҳида муҳофаза қилинадиган жойга айлантирилди. Республикамизнинг бошқа жойларидаги тоғларда муҳофаза қилинадиган ҳудудлар яхлит бўлмаган қисмлардан иборат. Шундай бир вазиятда Тошкент вилояти тоғ туманларини бошқариш амалиётини кенг қўллаш мақсадга мувофиқдир. Чунки бизнинг ҳаётимиз ва турмушимиз тоғлар билан боғлиқ.

"Халқ сўзи" мухбири
Гулчеҳра ЙЎЛДОШЕВА ёзиб олди.



Самарқандлик ёш ҳунармандлар

Ёшликда олинган билимни тошга ўйилган нақшга менгзашади. Аслида, ҳунар ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Самарқанд вилояти Оқтош шаҳридаги миллий ҳунармандчилик коллежида билим олаётган ёшлар ҳаёти билан танишсангиз бунга ишонч ҳосил қиласиз. Бу ерда 1150 нафар йигит-қиз тўққизта йўналиш бўйича таҳсил олаётир. Улар Самарқанд ҳунармандчилиги мактаби сирларини пухта эгаллашмоқда.

— Ҳунарли хор бўлмас, — дейди ёш зардўз Шоира Фармонова. — Мақсадим ҳам билимли, ҳам ҳунарли ёшлар сафида юрт равнақига ҳисса қўшиш.

СУРАТДА: коллеж ҳаётидан лавҳа.

Т. НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган сурат.

Интеграция — давр талаби

Фан, таълим, ишлаб чиқариш интеграцияси — Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида ҳозирги таълимнинг энг устувор вазифаларидан бири сифатида белгиланган. Президентимиз бу масаланинг ниҳоятда долзарблигини ўз маърузаларида доимо таъкидлаб келмоқдалар. Шу мақсадда бундан уч йил олдин Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Фан ва технология маркази грантлар тизимини ҳаётга жорий этган эди. Бу тадбир, рағбатлантирувчи омил сифатида олий таълим муассасаларидаги илмий салоҳиятни ҳаракатга келтирди. Профессор-ўқитувчилар билан бир қаторда талабалар, магистрлар, аспирантлар, докторантларнинг илмий фаолиятга қизиқишлари кучайди. Ҳозирги кунда грантлар асосида амалга оширилган кўпгина илмий-амалий лойиҳалар мамлакатимиз иқтисодиётида самарадорликни оширмоқда ҳамда бевосита ишлаб чиқариш технологиясида сифат ўзгаришларини вужудга келтирмоқда.

Шу билан бирга, корхоналар ҳам олий таълим муассасаларидаги амалий тадқиқот марказларига буюртмалар билан мурожаат қиляпти. Хуллас, фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси юртимизда дадил изга туша бошлади.

Янги йил арафасида Тошкент давлат техника университетида худди шу масалага бағишланган республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди. Анжуман кейинги 3 йил ичида Фан ва технологиялар маркази томонидан молиялаштирилиб, олий таълим муассасаларида амалга оширилган фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳаларга ҳамда корхоналар буюртмасига биноан хўжалик шартномалари асосида бажарилган ишлар таҳлилига бағишланди.

Фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясига бағишланган биринчи республика илмий-амалий анжумани ТошДТУда ўтказилаётганлиги бежизга эмас. Техника университети республикамизда техник ва муҳандис кадрлар етиштирувчи таянч олий таълим марказигина бўлиб қолмасдан, бу ерда иқтисодиётни ва бошқа ижтимоий соҳаларни техник ва технологик такомиллаштиришга йўналтирилган амалий тадқиқотчилик ишлари ҳам фаол ривожланмоқда.

Фақат жорий йилнинг ўзида университетда Фан ва технологиялар маркази грантлари асосида 57 та илмий-амалий лойиҳа, корхоналар буюртмасига биноан эса хўжалик шартномалари асосида 88 та иш бажарилди. Техника университетида 11 та илмий марказ ва илмий-ишлаб чиқариш корхоналари фаолият олиб бормоқда.

Биз шу олий таълим муассасасида юзага келаётган илмий-амалий ишлар мазмун-моҳиятини шарҳлаб беришни сўраб, анжуман қатнашчиси, ТошДТУ Электрон техника материаллари физикаси ва технологияси кафедраси раҳбари Болтахўжа Умрзоқова мурожаат қилдик.

— Техника университетида ёқилғи-энергетика, минерал хомашё ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлашга, атроф-муҳит муҳофазаси, тиббиёт, ахборот технологиялари ва саноатни автоматлаштиришга, бошқа муҳим мақсадларга қаратилган амалий тадқиқотлар йўлга қўйилган ҳамда бу ишларга ёш тадқиқотчилар кенг жалб этилмоқда, — деди суҳбатдошимиз ва давом этди: — Келинг, айрим натижалар тўғрисида гаплашайлик. Академик Нодирбек Юсупбеков раҳбарлигида нефтни ва газни қайта ишлаш ҳамда уларни қазиб олишни компьютер ёрдамида автоматик бошқаришга доир салмоқли илмий-амалий ишлар бажарилди. Бундай ишланмага ҳозирги кунда эҳтиёж катта. Ёки профессор Муҳаммадкабир Баҳодирхонов бошчилигидаги илмий гуруҳ қуёш элементларини йиғиш ва уни ҳаётга татбиқ этишга бағишланган лойиҳани муваффақиятли адо этди. Қуёш элементлари — энергия ишлаб чиқаришда қўшимча, самарали восита бўлиб, мамлакатимизнинг энергия таъминоти соҳасидаги имкониятларини кенгайтиради.

Таълим ва ислоҳот

Шахсан мен ўзим ишлаётган илмий гуруҳ наноматериаллар хусусиятларини ўрганмоқда. Наноматериаллар техника ва электроника соҳасида жиҳозлар жуссасини ихчамлаштириш, "миттилаштириш", аммо иш қувватини бир неча баробар оширишга хизмат қилади. Космик техникани такомиллаштиришда, компьютер технологиясини равнақ топтиришда, радио-электрон асбоб-созлигида, тиббиётда, биологияда, атроф-муҳит муҳофазасини кучайтиришда нанотехнология келажакда асосий омил бўлиб қолади. Бундай материалларга ўтиш аввал Японияда, кейин ривожланган бошқа давлатларда бошланди. Биз ҳам ана шу илғор йўналишга мурожаат қила бошладик. Ва илк натижаларга эришдик. Ўзбекистонда наноматериаллар билан ишлашнинг келажаги катта...

Анжуманда бу натижаларнинг йирик кўргазмаси ташкил этилди. Ва у меҳмонларда яхши таассуротлар қолдирди. Шу билан бирга, йиғилишда умуман республика олий таълим муассасаларидаги тадқиқотчиликнинг аҳволи, илм-фан ва таълимнинг ишлаб чиқариш билан ҳамкорлигини яна кучайтириш билан боғлиқ долзарб масалалар хусусида фойдали фикр алмашиш бўлди.

Фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини чуқурлаштириш — давр талаби. Бу вазифанинг изчил ва муваффақиятли адо этилишидан, аввало, тараққиётимиз ютади. Олий таълим муассасаларида эришилаётган илмий-амалий изланишлар самаралари иқтисодиёт ривожига, фаровонлигимиз ошишига ҳисса бўлиб қўшилаверади. Айни пайтда, бу даргоҳлардаги иқтидорли ёшлар салоҳиятини равнақ топтириш имкониятлари янада кенгаяди.

Михли САФАРОВ.

Қашқадарё вилоятида ҳар ҳафтанинг якшанба куни «Ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар ҳолидан хабар олиш куни» деб белгиланди.

Мақсад - ижтимоий ҳимояни кучайтириш

Вилоят ҳокимининг бу ҳақда чиқарган фармойишида аҳолининг кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож қисмини, айниқса кўп фарзандли ва ногирон боласи бор оилаларни, боқувчисини йўқотганларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга мунтазам тус бериш кўзда тутилган. Шу куни вилоят ва туман миқёсидаги ҳар бир раҳбар ходим иккита хонадонда бўлиб, уларнинг муаммолари билан танишади, мамлакатимизда, вилоятимизда юз бераётган ўзгаришлар ҳақида мулоқот қилади ва, энг муҳими, аниқ йўналтирилган ёрдам кўрсатади. Тадбирдан кўзланган асосий мақсад Юртбошимиз томонидан эълон қилинган Ҳомийлар ва шифокорлар йили тамойилларига тўлиқ амал қилинишини таъминлашдан иборатдир.

Б. НОРҚОБИЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ҳудудий семинар

Пойтахт вилоятининг Олмалиқ шаҳрида "Хусусийлаштирилган корхоналарда корпоратив бошқарув тизимини жорий этиш, уларни молиявий соғломлаштириш борасидаги ишлар" мавзусида ҳудудий семинар бўлиб ўтди. Давлат мулки қўмитаси томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда Олмалиқ, Ангрен, Оҳангарон шаҳарлари ва Оҳангарон туманидаги корхоналар раҳбарлари, мутахассислари ҳамда тадбиркорлар иштирок этди.

Таъкидландики, Президентимиз 2005 йил 7 ноябрда халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган маърузасида бир қатор саноат корхоналаридаги аҳволни жиддий танқид қилиб, аҳволни ўнглаш юзасидан амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларни белгилаб берган эди. Айни пайтда вилоятдаги 296 та хусусийлаштирилган корхонадан 52 таси зарар кўриб ишлаяпти.

Ҳозир уларни соғломлаштириш бўйича ҳудудий дастур ишлаб чиқилган бўлиб, бу дастур ижросини таъминлаш учун барча чора-тадбирлар кўрилмоқда. Масалан, "Резина техника", "Эйвалек махсустемирбетон", "Ўзбеккўмир", "Алмазармебель", "ЎзКТЖМ" акциядорлик жамиятлари ва "Каолин" қўшма корхонасида уларнинг илгариги қувватини тиклаш, молиявий соғломлаштириш ва самарали иш юритишини таъминлаш борасида кўрилаётган тадбирлар ўз самарасини беряпти.

Семинарда Давлат мулки қўмитаси раиси М. Асқаров иштирок этди.

Ҳосил КАРИМОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари диққатига!

«САМАРҚАНД» ХАЛҚАРО АЭРОПОРТИ

қурилишни тўлалигича қуриб фойдаланишга топшириш шарти билан қуйидаги объектларга танлов савдолари эълон қилади:

Лот-1. «Самарқанд» аэропорт самолётлари учун бир дақиқада 2000 литр ёнилғи қуйиш қувватига эга бўлган марказлаштирилган шохобча лойиҳасини такомиллаштириш. *Қурилиш ишларини бажариш муддати — 3 ой.*

Лот-2. «Самарқанд» аэропорти ёнилғи-мойлаш материаллари сақланадиган ҳудудни ободонлаштириш. *Қурилиш ишларини бажариш муддати — 4,3 ой.*

Савдо ташкилотчиси — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси Самарқанд вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.
Буюртмачи манзили — Самарқанд шаҳри, академик В.Абдуллаев кўчаси, 1-уй. Телефон: (8-3662) 32-09-94. Қурилиш ишлари «Самарқанд» халқаро аэропорти хусусий маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: *танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажриба ва кўникмаларга, шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.*

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, 2-Г корпус, 208-хона.
Телефон: 33-32-00, факс: 31-13-51.

Танлов ҳужжатлари битта ЛОТ тўпламининг қиймати — 50 000 (эллик минг) сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача. Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: Самарқанд шаҳри, академик Абдуллаев кўчаси, 1-уйда соат 18.00да, «Самарқанд» халқаро аэропорти биносида ўтказилади.

1969467781

Миллий ҳамда чет эл валютасидаги барча банк хизматлари Сизнинг муваффақиятингиз учун!

«ПАХТА БАНК» — фаровонлигингиз калитидир!

МИНСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ

ўз маҳсулоти бўлган «МАЗ» русумли оғир юк автомобилларини, тиркагичларни, ярим тиркагичларни, автобусларни, махсус техникалар (автокранлар, автоэкскаваторлар, автобетонқорғичлар...)ни ва уларнинг эҳтиёт қисмларини мижозларга етказиб бериш учун буюртмалар қабул қилади ва шартномалар тузади.

Лизингга ҳам!

Барча автотехникалар учун кафолат берилади.

Бунинг учун Минск шаҳрига боришингиз шарт эмас, фақат Тошкентдаги расмий вакилимиз — «O`zbekMAZservis» қўшма корхонасига мурожаат қилсангиз, бас.

Товар сертификатланган.

Манзил: 700005, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, «8 Март» кўчаси, 57-уй. Телефонлар: 191-64-06, 191-68-94.
E-mail: uzbekmaz@inbox.ru E-mail: UzbekMAZservice@mail.ru

Навоий кунда керак

Филология фанлари доктори Иброҳим Ҳаққул билан мумтоз адабиётимиз, хусусан ҳазрат Навоийнинг бой маънавий меросини ўрганиш, унинг бугунги кундаги аҳамияти хусусида суҳбатлашиш учун уйларида бўлдик. Домла мумтоз адабиётимиз намояндалари ҳақида пухта билимга, дунёқарашга эга, аммо барибир у кишининг изланишларида ҳазрат Навоий ижодига эҳтиром бўлакча.

ЭЗГУЛИК ВА ҲАҚИҚАТ ЧАРОҒБОНИ

— Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, улуғ бобокалонимиз шахсияти ва ижодига муносабат тубдан ўзгарди, — дея сўзини бошлади суҳбатдошимиз. Ҳазратнинг бой адабий меросига тўлақонли ва ҳаққоний ёндашиш имконига эга бўлдик. Ул зотнинг ижодини янада чуқурроқ ўрганиш бўйича қатор тадқиқотлар қилиняпти, илмий изланишлар кўлами янада кенгайди. Алломанинг мукаммал асарлар тўплами илгари ҳам нашр этилган, бироқ давр нуқтаи-назаридан ҳазрат асарларидаги бутун-бутун боблар тушириб қолдирилган.

Мустақиллик йилларида Навоийнинг йигирма жилдлик мукаммал асарлар тўплами ўқувчилар қўлига етиб борди. Ҳар йили навоийшунос олимлар томонидан янги-янги илмий мақолалар, рисолалар яратилмоқда.

Қувонарлиси шундаки, сафимизга ёш адабиётшунос олимлар, фан номзодлари ва докторлари келиб қўшилмоқда. Мисол ўрнида Нодир Рамазанов, Насиба Бозорова, Эргаш Очилов сингари умидли навоийшуносларни санаб ўтиш мумкин. Демак, Навоийни ўрганиш, уни чуқурроқ англаш борасидаги изланишлар тўхтаб қолгани йўқ.

— Улуғ бобокалонимиз ижодининг қайси қирраларини янада теранроқ ўрганиш, чуқурроқ тадқиқ этиш лозим, деб ўйлайсиз?

— Навоий ижодиётини бепоён уммонга қиёслаш мумкин. Уммон тубида ҳали беҳисоб жавоҳирлар ётибди. Унинг асарлари юзасидан юзлаб илмий ишлар қилинган бўлса-да, Навоий оламини тўла-тўкис забт этолганимиз йўқ. Унинг меросини ўрганиш асосида ҳар доим бирор бир янгиликни кашф этиш мумкин.

Биргина Навоий бадиятини олайлик. Унинг ҳар бир байти, мисрасини тадқиқ этишнинг ўзи жуда катта изланишларни талаб этади. Мана, унинг машҳур бир байти:

Юзида терни кўриб ўлсам,
эй рафиқ, мени
Гулоб ила юв,
гул баргидин кафан қилғил.

Бир қараганда, тушунарли ва равон мисралар. Аммо, ҳазрат бу байт орқали нима демоқчилар? Бу ҳақда қатор тахмин ва талқинлар баён этилди. Лекин, ягона тўхтамга келингани йўқ. Навоийнинг сўз танлаш ва қўллаш маҳорати, Навоий шеъриятидаги фалсафа, Навоийнинг диний-маърифий қарашлари, Навоий ва жаҳон адабиёти... бу йўналишлар бўйича ҳали қанчадан-қанча янги уфқларни очиш мумкин.

Алишер Навоий ҳазратлари ўзигача ва ундан кейинги давр ўзбек шеърияти, ҳатто барча туркий халқлар адабиётида асосий ўринни эгаллайди десак, янглишмаймиз. Бинобарин, юз йиллар ўтганидан кейин ҳам мутафаккир ижодидан янгилик излаб топиш қийин кечмайди.

— Ҳазратнинг ҳозирга қадар топилмаган ёки бизгача етиб келмаган асарлари ҳам борми?

— Ҳазрат Навоий умрининг охирларида ёзган «Муҳокаматул-луғатайн» ва «Мезонул авзон»да ўзининг барча асарлари мундарижасини бериб ўтади. Уларнинг бари Навоийнинг мукаммал асарлар тўпламига киритилган. Бироқ, бу Навоийнинг ҳамма асарлари бизнинг қўлимизда, деган хулосани бермайди. Маълумки, Навоийнинг ҳаётлик чоғида ва ундан кейин ҳам кўп асарлари, девонлари қайта-қайта кўчирилган. Уларнинг турли нусхалари дунёнинг турли ҳудудларида сақланиб келаётир. Бундан бир неча йил илгари Ҳамид Сулаймонов ва Фозила Сулаймонова томонидан Навоийнинг бир қанча янги ғазали топилган ва чоп этилган эди. Яна топилиб қолса, ажаб эмас.

— Алишер Навоий меросига хорижда ҳам катта қизиқиш билан қараб келинмоқда...

— Дарҳақиқат, алломанинг асарлари ҳозирга қадар дунёнинг кўплаб тилларига таржима қилинган. Ўнлаб хорижлик олимлар унинг асарларини тадқиқ ва таҳлил этишган. Туркия, Эрон, Озарбойжон, Тожикистон каби мамлакатларда унинг асарлари такрор ва такрор нашр қилинган. Хусусан, Эрон ва Тожикистонда Навоийнинг форс тилидаги асарлари, хусусан "Девони Фоний"си атрофлича ўрганилган, ўрганилмоқда. Бу борада Теҳронда, Душанбеда халқаро миқёсдаги анжуманлар ўтказилган. Ушбу мамлакатлар адабиётшуносларининг фикрича, Навоийнинг форсий ғазаллари форс-тожик адабиётининг энг етук намуналари қаторида туради.

Бироқ, Навоий туркий адабиётнинг забардаст вакили сифатида маълум ва машҳур. Шу боис, Туркияда ҳам унинг меросига қизиқиш катта. Сўнгги йилларда, «Мезонул-авзон», «Лисонут-тайр», «Фарҳод ва Ширин» каби асарлари усмонли турк тилида босилиб чиқди.

Озарбойжонда Навоийни севишади, ардоқлашади. Унинг ижоди Жаннат Нагиева ҳамда у сингари таниқли адабиётшунослар томонидан чуқур ўрганиб келиняпти. 2001 йилда олиманинг «Навоий Озарбойжонда» номли салмоқли китоби чоп этилди. Ўтган йили «Лисонут-тайр» достони инглиз тилига таржима қилинди.

— Буюк бобокалонимиз асарларининг бугунги кундаги аҳамияти, ёш авлод камолотидаги ўрни хусусида ҳам тўхталсангиз.

— Улуғ бобомизнинг асарлари ҳеч қачон ўз аҳамиятини йўқотмаган, йўқотмайди ҳам. Навоийнинг ўткир нигоҳи фақат ўз даврини эмас, балки бутун абадиятни кўра олган. Бугунги кунда глобал аҳамият касб этаётган муаммоларни олинг: экологик танглиқми, терроризммми, диний ақидапарастликми... Ҳаммасига Навоийдан жавоб олса бўлади. Ёш авлод тарбиясида ҳам Навоий қараш-лари жиддий ўрин тутади. Ҳозир айрим ёшларимиз орасидаги жиноятчилик, ичкиликбозлик, гиёҳвандлик, ахлоқсизлик сингари иллатларнинг урчиб бораётгани ҳам Навоийга яқинлашишимизни тақозо этади. Бундай муаммолардан халос бўлиш учун Навоий ижодини ёш авлод онгига болаликдан қуйиб бориш керак. Навоий асарларини эса, мажбуран сингдириб бўлмайди. Навоийни тушуниш, тушунтириш учун уни севиш, севдириш лозим. Навоийнинг нафақат ижоди, балки ҳаёти ҳам ёш авлод учун ибрат бўла олади. Унинг бунёдкорлиги, халқсеварлиги, ҳақпарварлиги барчамизга сабоқ бўлиши лозим. Навоий ижоди эса, барчамизни огоҳликка, эзгуликка, камтарликка ундайди.

Мана бу пурҳикмат сатрларга эътибор беринг:

Баҳрдин қатрага
таъзим ила таҳсин кўрдим,
Меҳрдин заррага
эъзоз ила эҳсон топдим.

Яъни, денгизнинг бир томчига таъзим ила таҳсин қилганини кўрдим, қуёшнинг заррага эъзоз ва эҳсон кўрсатганига гувоҳ бўлдим, деганлар. Шу байтнинг ўзи ҳазратнинг башариятни камтаринликка, адолат ва инсофга даъват этганини кўрсатади. Биз ҳақли равишда Навоийни миллий онг ва шууримизнинг улуғ чароғбони ва илҳомчиси дея оламиз. Навоий мероси халқни эзгулик ва ҳақиқат атрофида жипслаштиришга қодир.

"Халқ сўзи" мухбири Мақсуд ЖОНИХОНОВ суҳбатлашди.

64 катак ичида

Эси паст бўлмаса...

Америка гроссмейстери Ройбн Файн ўйинларда қатнашмай қўйганига қарамасдан ўзининг бой шахмат кутубхонасини тўлдириб боради. Бир қанча йил муқаддам унинг уйига ўғри тушди, лекин гроссмейстер бундан заррача ҳафа бўлмади. «Американинг Европадан афзал томони шуки, — деди у мухбирларга, — бу ердаги ўғриларнинг ақли ва маданий даражаси паст. Мен чақирилмаган «меҳмон»ларнинг баҳоси йўқ, араб шахмат қўлёзмаларидан видеомагнитафонни афзал кўриб, уни уйимдан олиб кетганларини фақат шу билан изоҳлайман».

Зиёбахш нашр

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси эллик ёшга тўлди

Дастлаб "Ўзбекистон маданияти" деб номланган ва асосан ижод аҳлига мўлжалланган бу газетанинг зуваласи йўргақдалигидаёқ пухта йўғрилди. Унга дастлаб Мумтоз Муҳамедов, Раҳмат Файзий, Воҳид Зоҳидов, Лазиз Қаюмов сингари ёзувчи, файласуф ва адабиёшунослар муҳаррирлик қилишди. Натижада у кўп ўтмай ўз ўқувчилари ва муаллифларини топди. Адиблар-у санъаткорларнинг доимий минбари ва севимли йўлдошига айланди. Шу боис миллий адабиётимизнинг пешқадамлари Ғафур Ғулом, Ойбек, Мақсуд Шайхзода, Зулфия, Миртемир, Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров, Эркин Воҳидов,, Абдулла Орипов каби кўплаб истеъдодларнинг ҳали сиёҳи қуримаган сара асарларидан аксарияти, энг аввало, ушбу газета орқали халққа етиб борди.

1981 йилга келиб, газетанинг номи "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" деб ўзгартирилди. Унга узоқ вақт "Шарқ юлдузи" ва "Гулистон" журналларида ишлаб, ўзига хос бетакрор ижодий жамоаларни шакллантириш шарафига муяссар бўлган Ўзбекистон халқ ёзувчиси Асқад Мухтор Бош муҳаррир этиб тайинланди. Устод адибнинг бой тажрибаси Адабиёт газетасининг том маънода қайта туғилишида жуда қўл келди. Пировардида нафақат зиёлилар, балки бошқа касб эгалари ҳам унинг ҳар бир сонини интиқлик билан кутадиган бўлиб қолишди.

Яна бир забардаст адибимиз — Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубов раҳбарлик қилган йилларда "ЎзАС"нинг ижтимоий-маданий ҳаётимиздаги обрўэътибори янада юксалди. Газета ҳар қачонгидан улуғворроқ ишларга юз тутди. Ўз саҳифаларида бадиий асарларни, қизғин баҳс-мунозараларга, катта ўзгаришларга туртки бўлган назм ва наср, адабий танқидчилик, миллий қўшиқчилик, кино, театр ва матншуносликка оид мақолаю давра суҳбатларини ёритиш билангина чекланмай, ижтимоий аҳамиятга молик муаммоларни ҳам дадил ва ошкора кўтариб чиқа бошлади. Айни чоғда, пахта яккаҳокимлигига, ўлкамизда юзага келган экологик номуносибликларга, юрт бошига ёғилган заҳриқотилларга, собиқ шўро армияси сафида хизмат қилаётган йигитларимизнинг ҳам маънан, ҳам жисмонан камситилишига қарши ўт очди. Оролни ва Бўстонлиқни қутқариш ҳақида бонг урди. Сирасини айтганда, илгари нафақат муҳокама қилиш, ҳатто тилга олишни тасаввур доирасига сиғдириб бўлмайдиган мавзулар дадиллик билан муштарийлар ҳукмига ҳавола этилди.

Бу анъана газетага журналист ва публицист Аҳмаджон Мелибоев Бош муҳаррир бўлиб келгандан кейин ҳам изчил давом этди. У устозлар йўлини тутиб, газета йўналиши ва мавқеини сақлаб қолишга интилди. Шу боис "ЎзАС"нинг қўшни республикалар ва чет элларда ҳам мухлислари кўпайди. Ўтган асрнинг 90-йиллари арафасида адади 850 минг нусхага етди. Ўша кезларда "Тарих ва тақдир", "Ўтмиш сабоқлари", "Меросимизни ўрганамиз", "Биз кимлиз?", "Илм — ўзни билмақдир", "Тилга эътибор — элга эътибор", "Теран томирлар", "Олтин калом", "Жума ўгитлари", "Одоб, адаб ва одам", "Инсон, ахлоқ ва қонун", "Она сайёра — қўриқхона" сингари рукнлар остида эълон қилинган мақолалар ўзбек публицистикасининг ёрқин намуналари сифатида тарихда қолди.

Шубҳасиз, Мустақиллик Адабиёт газетаси саҳифаларига янгича руҳ ва янгича нафас олиб кирди. У эндиликда адабиёт ва санъат оламидаги ютуқлар ва мавжуд муаммоларни тилга олиш билан бир қаторда, ижтимоий-маданий ҳаётимизда рўй бераётган туб ўзгаришларни ҳам узлуксиз ёритиб келмоқда. Зиёли халқига, жумладан, адабиёт ва санъат намояндаларига Юртбошимиз ва ҳукуматимиз томонидан кўрсатилаётган ғамхўрликлар мазмун-моҳиятини оммага етказиш, ёш истеъдодларни кашф этишдек шарафли ишга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Ана шу боис "Муҳаррир минбари", "Бизнинг шарҳ", "Ўзбеклар ва дунё", "Истиқлол ва иқтисод", "Икки фикр", "Баҳс", "Сўз — хазина", "Ном — номус" рукнлари остидаги чиқишлар ижтимоий салмоқдорлиги ва таъсирчанлиги билан ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Биз зиёлиларнинг яқин дўсти, чин сирдоши ва беминнат маслаҳатгўйи бўлган "Ўзбекистон адабиёти ва санъати"ни ярим асрлик тўйи билан чин дилдан қутлаймиз, газета ходимлари ҳамда мухлисларига ижодий баркамоллик тилаймиз.

Абдунаби ҲАЙДАРОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

Чавандозлар бордир бу элда

Яқинда Бухоро вилоятида "Улоқ-кўпкари" спорт тури бўйича Ўзбекистон чемпионатининг навбатдаги беллашувлари бўлиб ўтди.

Чемпионатда республикамизнинг Самарқанд, Навоий, Сирдарё, Наманган, Фарғона, Тошкент вилоятлари вакиллари ва мезбонларнинг Бухоро I ҳамда Бухоро II жамоалари ўзаро куч синашдилар.

Икки кун давом этган чемпионат таассуротларга бой бўлди. Зотдор отлар ва эпчил чавандозларнинг маҳоратли чиқишлари, ҳар хил тўсиқлардан сакраш машқлари томошабинларни мафтун қилди. Айниқса, халқ ўйинларидан саналган "Қиз қувди" ўйини қизиқарли бўлди.

100 га яқин зотдор отлар ва чавандозлар иштирокидаги чемпионатда биринчи ўрин Бухоро I жамоасига, иккинчи ўрин Навоий, учинчи ўрин эса Самарқанд ва Бухоро II жамоаларига насиб этди.

Ғолиблар Республика Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг дипломлари ҳамда ҳомийларнинг қимматбаҳо совғалари билан тақдирландилар.

Баҳодир ФАЙЗИЕВ.

Қизиқарли учрашув

Чимбой педагогика коллежида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти туман бўлимлари ташаббуси билан учрашув ўтказилди.

Унда ёшлар "Мардлар қўриқлайди Ватанни", "Менинг армиям — менинг таянчим" мавзуларидаги суҳбатларда иштирок этиб, мамлакатимиз Қуролли Кучлари тизимида амалга оширилаётган туб ислоҳотларнинг моҳияти, бугунги кунда аскарларда яратилган шарт-шароитлар, ҳарбий техника ва қуроллардан фойдаланиш, ҳарбий ҳаётнинг ўзига хос жиҳатлари ҳақида тушунчага эга бўлди.

ЎзА.

Маҳоратингизни синаб кўринг



Иккала диаграммага диққат билан назар солсангиз оқлар бошлаб дурангга эришадилар. Сиз қандай ўйнардингиз, ҳурматли шахмат шайдолари?



Мот қил-да, жўнаб қол!

XVI аср охири ва XVII аср бошида яшаган инглиз шоири Николас Бретон шеърларидан бирида кучсиз рақиб билан шахмат ўйнаётган пайтда унга танбеҳ бермаслик кераклигини таъкидлайди. Негаки, у шахмат доналари ўрнига шамширни усталик билан ишлатиш маҳоратига эга бўлиши мумкин. «Шунинг учун ҳам, — дейди Бретон, — ўзингни камтарона тутиб мот қил-да, тезда жўнаб қол».

Анвар ИНОҚОВ, Шахмат бўйича спорт усталигига номзод.

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ, УЧКЎПРИК ТУМАНИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ИНСПЕКЦИЯСИДАН

рўйхатдан ўтиб фаолият кўрсатган «SSS-SOHIBQIRON», «УЧК ЮЛДУЗЛАР ЖИЛОСИ», «ЁРКИН ҚОЯ-2002», «БШУ-УМИДА», «UCHKUPRIK FARTUNA SERVIS» хусусий фирмалари ва «ЙЎЛДОШ ДЕҲҚОН» хусусий агрофирмаси Фарғона вилоят хўжалик судининг ажримига асосан БАНКРОТ ДЕБ ЭЪТИРОФ ЭТИЛДИ ва Учкўприк туман ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекцияси томонидан давлат реестридан чиқарилди. Шу муносабат билан ушбу фирмаларга тегишли бўлган юмалоқ муҳрлари ва тўртбурчак штамплари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади ва ҳақиқий ҳисобланмайди.

Мурожаат учун манзил: Фарғона вилояти, Учкўприк тумани, Ўқитувчилар к., 20-а уй, Учкўприк тумани давлат солиқ инспекцияси, 4-хона. Телефонлар: 52-7-34, 51-0-04. Код 8-(373-51).

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ, УЧКЎПРИК ТУМАНИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ИНСПЕКЦИЯСИДАН

рўйхатдан ўтиб фаолият кўрсатган «ZEB-ZIYO» хусусий фирмаси Фарғона вилоят хўжалик судининг 2005 йил 8 ноябрь кунидаги 15-05-06/7910-сонли ҳал қилув қарорига асосан БАНКРОТ ДЕБ ЭЪТИРОФ ЭТИЛДИ ва тугатиш ишлари бошланди.

Ушбу фирмага алоқадор шахс ва мулкчилик шаклидан қатъи назар барча ҳақдор корхона ва ташкилотлар эълон чиққан кундан бошлаб 2 (икки) ой муддат ичида қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин:

Фарғона вилояти, Учкўприк тумани, Ўқитувчилар кўчаси, 20-а уй, Учкўприк тумани давлат солиқ инспекцияси, 4-хона. Телефонлар: 52-7-34, 51-0-04. Код 8-(373-51).

Жиззах тумани ҳокимлиги Хайробод қишлоқ фуқаролар йиғинининг собиқ раиси, меҳнат фахрийси **Ҳазратқул ИСЛОМОВнинг** вафот этганлигини маълум қилади ва марҳумнинг оила аъзолари, қариндош-уруғларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Элликқалъа тумани ҳокимлиги Жиноят ишлари бўйича Элликқалъа тумани суди раиси Анажон Раззоқовага волидаи муҳтарамаси **МАРЯМ аянинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Абу Райҳон Беруний номли Тошкент Давлат техника университети раҳбарияти, энергетика факультети ҳамда «Олий математика» кафедраси жамоалари кафедра мудири, доцент Эркин Қаюмовга волидаи муҳтарамаси **МАРҒУБА аянинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

«САНИПЛАСТ» ЎЗБЕКИСТОН-ИСРОИЛ ҚЎШМА КОРХОНАСИ

ТОМЧИЛАТИБ СУҒОРИШ ТИЗИМЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА КЎП ЙИЛЛИК ТАЖРИБАГА ЭГА БЎЛГАН ЎЗБЕКИСТОНДА ЯГОНА КОРХОНА СИФАТИДА ҒЎЗАНИ, БОҒ ВА ИССИҚХОНАЛАРНИ ТОМЧИЛАТИБ СУҒОРИШ ТИЗИМЛАРИНИ

СОТИБ ОЛИШНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ.

«САНИПЛАСТ» ҚЎШМА КОРХОНАСИ ЛОЙИҲАЛАРНИ АМАЛГА ОШИРАДИ, МАТЕРИАЛЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРАДИ ВА МОНТАЖ ИШЛАРИНИ БАЖАРАДИ. БИЗНИНГ МУТАХАССИСЛАРИМИЗ ЭКИНЛАРНИ СУҒОРИШ ВА ЎҒИТЛАШДА МАСЛАҲАТЛАРИНИ АЯМАЙДИЛАР.

Сервис хизматни кўрсатиб, эзгулик қилганларни сўйлаймиз.

Хизмат сифатига кафолат берамиз.

Мурожаат учун манзил: Ўзбекистон Республикаси, 700187, Тошкент ш., «Қорасув-4» мавзеси, 11-уй. Телефонлар: 65-18-56, 65-14-59.

ЭЪЛОН!

ДАВЛАТ ХЎЖАЛИК ҲИСОБИДАГИ АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ КИНО САРОЙИДА

азиз фарзандларимиз учун Янги йил совғаси сифатида 25 декабрдан 10 январгача фильмлар намойиши:

1. Мактаб ёшигача бўлган болаларга, «Меҳрибонлик уйи» тарбияланувчиларига — бепул.
2. Мактаб ёшидаги ўқувчилар учун 50% чегирилган нархларда.

Маълумот учун телефон: 144-51-60.

МАЪМУРИЯТ.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 359. 34270 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР: *Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*

Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Э. Болиев.
Навбатчи — М. Жониҳонов.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 18.00 Топширилди — 21.10 23456